

**Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
хузуридаги Фан ва Технологияларни
Ривожлантиришни Мувофиқлаштириш Қўмитаси**

**Мирзо Улуғбек номидаги
Ўзбекистон Миллий Университети**

*2010 йил – Баркамол авлод йилига
бағишланади.*

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИННОВАЦИОН ТАРАҚҚИЁТИ – ЁШЛАР НИГОҲИДА

ФИЗИКА ФАНИНИНГ БУГУНГИ РИВОЖИДА ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАРНИНГ ЎРНИ

**Республика ёш олимлар ва иқтидорли талабаларнинг
илмий анжумани материаллари
8-9 апрель 2010 йил**

Тошкент – 2010

“Ўзбекистоннинг инновацион тараққиёти – ёшлар нигоҳида”,
“Физика фанининг бугунги ривожиди истеъдодли ёшларнинг ўрни”
республика ёш олимлар ва иқтидорли талабаларнинг илмий анжумани
материаллари, Тошкент, 8-9 апрель 2010 й.

Ушбу тўплам 2010 йил – Баркамол авлод йилига бағишланади.

Тўпламда республикамизда физика ва астрономия таълим
йўналишлари ҳамда улар негизидаги магистратура мутахассисликлари
бўйича тахсил олаётган ва “Устоз-шогирд” тизими асосида илмий
гуруҳларда изланишлар олиб бораётган иқтидорли талабалар,
аспирантлар ва ёш олимларнинг илмий анжуман дастурига киритилган
ва инновацион характерга эга бўлган мақолалари чоп этилган.

Масъул муҳаррирлар: ф-м.ф.н. Б.Х.Эшчанов
ф-м.ф.н. И.У.Таджибаев

Таҳрир хайъати:

- ф-м.ф.д. А.А.Абдумаликов
- ф-м.ф.д. У.Абдурахмонов
- п.ф.д. У.Бегимқулов
- ф-м.ф.д. С.И.Власов
- ф-м.ф.д. А.Т.Мамадалимов
- ф-м.ф.д. С.Н.Нуритдинов
- ф-м.ф.д. Ш.Отажонов
- к.ф.д. С.Ш.Рашидова
- ф-м.ф.н. А.Карахожаев
- п.ф.н. М.Қурбанов
- п.ф.н. Д.Бегматова

Тўплам муаллифлар тақдим этган мақолаларнинг асл нусхалари
асосида тайёрланган.

*“Илм-фанни янада ривожлантириш,
иктидорли ва қобилиятли ёшларни илмий
фаолиятга кенг жалб этиш, ўз ижодий ва
интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши
учун шароит яратиш асосий вазифамиздир”*

И. А. Каримов

СЎЗ БОШИ

Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши, мамлакатимиз йигит-қизларини ХХІ аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган ҳар томонлама ривожланган шахслар этиб вояга етказиш учун зарур шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиш бўйича кенг кўламли мақсадли йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хурматли Президентимизнинг ташаббуслари билан 2010 йил “Баркамол авлод йили” деб эълон қилинганлиги ҳам давлатимиз раҳбари томонидан ёшларга берилаётган эътиборнинг яна бир мантиқий давоми бўлди. Қабул қилинган давлат дастурида амалга оширилиши лозим бўлган асосий вазифалардан бири қилиб илм-фанни янада ривожлантириш, иқтидорли ва қобилиятли ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, уларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши учун шароитлар яратиш бериш чора тадбирларини амалга ошириш вазифаси кўйилди.

Инновацияларни яратиш ва амалиётга кенг жорий этиш давлатнинг иқтисодий тараққиётига йўл очиб берувчи муҳим омиллардан биридир. Шу муносабат билан Республикаимизда инновацион фаолиятнинг ривожланишига катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Республика Президенти томонидан 2008 йил 15 июлда қабул қилинган ПП-916-сонли “Ишлаб чиқаришга инновацион лойиҳалар ва технологияларни жорий қилишни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори асосида инновацион ғоя, лойиҳа ва технологиялар республика ярмаркасини ўтказиш йўлга қўйилди. Ярмарканинг асосий вазифаларидан бири инновацион ғоялар ва лойиҳалар тақдимотларини ташкил этиш, саноатнинг рақобатбардошлигини ошириш йўлида фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлашдан иборатдир. Бугунги кунда ўзбек олимлари халқаро бозорда мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш имконини берадиган интеллектуал маҳсулотлар яратмоқдалар. Ўзбекистонлик ёшлар томонидан яратилган инновацион ишланмалар бугун фундаментал илм-фан, юқори

технологик ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Мазкур ярмарка мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг яна бир самараси бўлиб, янги ғояларни амалиётга татбиқ этиш, илм-фан ва саноатни юксалтириш ва шу орқали ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, ички бозорда маҳаллий маҳсулотлар улушини кўпайтириш, илмий муассасалар билан корхоналар ўртасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш учун янги имкониятлар очади. Бу жараёнларда ёшларнинг иштироки уларнинг бой интеллектуал салоҳиятларини ривожлантиришга, ўз иқтидорларини намоиш этишларига кенг имкониятлар яратишга хизмат қилиши шухбасиздир.

“Баркамол авлод йили” муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси ва Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳамкорликда ташкил қилинаётган “Ўзбекистоннинг инновацион тараққиёти – ёшлар нигоҳида” мавзусидаги анжуман ёшларнинг илмий-тадқиқот фаолиятларини ривожлантиришга, улар томонидан яратилган инновацион ишланмаларни иқтисодиёт соҳаларини ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш жараёнларига татбиқ этишга, фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг янада мустаҳкам алоқасини таъминлашга қаратилган.